



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 23-sentabr. Seshanba • 114 (31.861) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кўпчилик ўринни қўлга киритиш учун ҳаракат қилади

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги X пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловларида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш вазифалари муҳокама этилди.



Партиямиз сайловда муносиб иштирок этади

2

САЙЛОВ — 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. Унда 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Марказий сайлов комиссиясида

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ошкораликни таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада тараққий этишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишдир. 2014 йилги сайлов жараёнини

ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйдаги Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносига жойлаштирилди. Бу ерда журналистларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларини самарали ёритиш борасидаги фаолияти учун барча шарт-шароит яратилган.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан ўтиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz расмий сайти орқали танишиш мумкин. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Йиғилишда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормалар ўртача 154 минг сайловчи ҳисобида белгиланди.



2014 йил 15 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланди.

Имзо тўплаш

сиёсий партиялар учун сайловолди жараёнининг муҳим босқичларидан ҳисобланади

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камда қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаш тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу нормадаги имзо тўплаш билан боғлиқ жа-

раён сиёсий партиялар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қонуннинг мақсуадига мувофиқ, белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланган кундан кейин берилди. Яқинда Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари тақдим этилди.

▶ Давоми 3-бетда.

МУНОСАБАТ

Тинчлик йўли

Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқидан бугун Афғонистонда юзга келган вазият, жаҳон иқтисодий ҳолатидаги ҳозирги аҳвол, шунингдек, дунёнинг айрим бошқа ҳудудларида рўй бераётган зиддиятларни бартараф этишга доир муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқини ўқиб, шунга амин бўлдимки, унда билдирилган фикрлар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг баъзи ҳудудларида кечаётган беқарорлик, ўзаро уруш ва қиргинбаротларнинг олдини олиш, қарма-қарши томонларни муросага келтириш, сиёсий музокаралар орқали масалани ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз халқаро анжуманлардаги ҳар бир чиқишида, энг аввало, Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, афғон халқининг миллий қадриятларини ҳисобга олиш, бу мамлакат ўзини тиклаб олиши учун ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди. Бу сафар ҳам масаланинг ана шу томони аътибор қаратди: Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод воғая етди. Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шунини кўрсатдики, афғон халқи тўхтовсиз қон тўкиш ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайроннагарчиликдан қайтиш ва бугунги кунда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истади.

Аслида ҳам масаланинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган гоёнинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини кўрамиз.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари тўла бартараф этилмаганини қайд этиб, минтақадаги мамлакатлар иқтисодийтини ривожлантириш, инвестициялар ва транспорт коммуникация соҳаларини тараққий эттириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бу ҳам бевосита минтақадаги тинчлик ва барқарорлик билан chambarchas боғлиқ, албатта. Тинчлик бор жойда ривожланиш бўлади, тинч мамлакатга инвестиция киритилади, одамлар тўкин, фаровон яшайди.

Шу боис Президентимиз нутқидан билдирилган фикрлардан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олишимиз, бугунги тинчлик, осойишталик қанчалик муҳим эканини чуқур англашимиз, энг муҳими, дунёда юз бераётган воқеаларни кузатиб, унга тўғри баҳо бериб, осойишта ҳаётимизни асрашимиз керак. Жойларда бўладиган давра суҳбатлари, айниқса, ёшлар билан учрашувларда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Абдуазиз АБДУВОСИҚОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Тошкент давлат аграр университети проректори.

4

Ҳозирча битта кумуш ва тўртта бронза



Дилшод ЧОРИЕВ (кумуш)



Махлиё ТОФАЕВА



Абдулла ТАНГРИЕВ



Мирзохид ФАРМОНОВ



Рамзиддин САЙДОВ

Шу кунларда Жанубий Корейянинг Инчеон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари қизгин давом этмоқда. Унда қитъамизнинг қирқ беш давлатидан ташриф буюрган ўн уч минг нафардан зиёд спортчи медаллар учун кураш олиб борапти.

Осиё ўйинларида 291 нафар ҳамюртимиз спортнинг 36 туридан 32 таси бўйича голиблик учун майдонга чиқмоқда.

«Ўзбекистон ОВОЗИ» газетаси сайтыда ўқинг

Сайловолди кампанияси

сиёсий партиялар учун энг масъулиятли жараён



www.uzbekistonovozi.uz

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонидан танишасиз.



ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партиямиз сайловда муносиб иштирок этади



Сенжар ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

Пленумда аввало шу таъкидландики, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлашиши, сайлов жараёнларини тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий базанинг тизимли ривожланиши сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортисига кенг йўл очди. Сайлов қонунчилиги сайлов эркинлиги принципини тўлиқроқ рўёбга чиқариш, сайловолди тарғиботини ўтказиш давомида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун

тенг шароит яратиш ҳамда сайловлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани вакиллик ҳокимиятига энг муносиб номзодлар сайланишига мустаҳкам замин яратмоқда. Бу эса бир вақтнинг ўзида сиёсий партиялар фаолиятини тобора кучайтириб бориш, мамлакатни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишида уларнинг ролини кенгайтиришни талаб этади.



ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон КЕТМОНОВ сайлов кампанияси даврида партия ташкилотлари зиммасида турган энг муҳим вазифалар ҳақида маъруза қилди.

моларга тегишлидир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари сайловдан кейинги даврда электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни амалий ҳал этиш мақсадида депутатлик сўрови ҳуқуқидан фойдаланиб, 3200 марта мансабдор шахсларга мурожаат қилишди. Бундан ташқари 30 марта мансабдор шахсларнинг у ёки бу масала юзасида ҳисоботлари эшитилди.

Бугунга келиб халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ЎЗХДПнинг 2401 нафар депутати ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида кўзда тутилган вазифаларни тўлақонли бажаришга эътибор қаратмоқда.

Ўтган давр мобайнида партия гуруҳлари томонидан 619 масала ўрганилиб, шундан 356 таси тегишли вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссияларида қўриб чиқиш учун киритилган. ЎЗХДП гуруҳлари томонидан ўрганилган 267 масала эса халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама этилган ва партия гуруҳларимиз тақлифларига биноан ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, кам даромадли, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли вакиллари кўллаб-қувватлаш, иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган қарорлар қабул қилинган.

Ривожланган демократик мамлакатлар таърибаси кўрсатдики, фақатгина одамлар ҳаётини янада яхшилашга хизмат қиладиган, жойларда иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир кўрсата оладиган партиягина фаол кўллаб-қувватланади, деб алоҳида таъкидлади Х.Кетмонов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида жорий йил апрель ойида Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар партиялараро рақобатни янада кучайтиришга мустаҳкам замин яратди. Сайлов кампаниясига киришар экан, Ўзбекистон ХДП Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ҳам, барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кўпчилик ўринни кўлга киритиш учун ҳаракат қилади ва шу орқали вакиллик демократияси механизми воситасида қонунларни қабул қилишга, ижро ҳокимияти идораларини шакллантиришга,

улар томонидан тегишли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазифалар ҳал қилинишига таъсир кўрсатишни мақсад қилган.

Бугун биз партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари юзасида асосий вазифаларимизни белгилаб олишимиз лозим, деди партия раҳбари.

Бунда, биринчидан, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда очиқлик, ошқоралик ва қонунийликка риоя қилиш, сайловчиларга сайлов қонунчилигини кенг тушунтириш зарур. Сайлов кампанияси жараёнида ҳудудий партия кенгашлари сайлов штабларининг маҳаллий партия кенгашлари сайлов штаблари билан тизимли алоқасини ташкил этиш талаб этилади. Бундан ташқари, партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиларини танлаш ҳамда уларнинг сайлов жараёнларига тайёргарлигини кучайтириш керак.

Сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида масъулият билан иштирок этиш, аввало, жамоатчиликка, партиямиз электорати вакилларига партия ташкилотларимиз ҳамда депутатларимиз томонидан қилинаётган амалий ишлар тўғрисида ахборот бериб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловолди ташвиқотининг қонунчилигида кўзда тутилган барча шакл ҳамда усулларидан кенг фойдаланиш, партия PR кампаниясини тизимли ва ҳар томонлама пухта ўйланган тартибда олиб бориш, бу жараёнда партия матбуот хизматлари ходимларининг касб маҳоратини янада ошириш зарур.

Энг муҳими эса сайловолди кампанияси даврида сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтириш, янги партия сайловолди платформасини ишлаб чиқиш ва ўтган сайлов натижаларини тўғри таҳлил қилиб, тегишли ҳулосалар чиқариш лозим.

Сайловларга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Унинг натижалари сиёсий партияларнинг муҳим синовга пухта тайёргарлиги билан бирга, фуқаролар танловига ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши сайловолди платформасининг жозибадорлиги, халқчиллиги ва аниқлиги, шунингдек, тарғибот тадбирлари самараси билан ўлчанади.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилиши сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ор-

қали «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилди, сайловолди ташвиқотининг турлари, шакл ва усуллари кўрсатилди, овоз беришга бир кун қолганда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, сайловолди ташвиқотини ўтказишда ОАВдан фойдаланиш тартиби, сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш шартлари аниқ белгилаб берилгани сиёсий партиялар ва улардан депутатликка кўрсатилган номзодлар учун тенг шароитлар ва

Назира МАТЯКУБОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:



катта имкониятлар яратади. Яқиндагина матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун орқали «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга, Бюджет кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар эса сайловлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Сиёсий партияларга сайлов жараёнлари билан боғлиқ

қатор ҳуқуқ ва ваколатларнинг берилиши ўз навбатида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Улардан самарали фойдаланиб, сайловларда муносиб иштирок этишимиз, партиямизнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрнини янада мустаҳкамлашимиз керак.



Дилором АБДУРАХИМОВА, ЎЗХДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

лий-ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланишимиз кераклиги барчамиз учун аниқ ва равшан масалага айланади. Мисол учун, қонунга кўра, сиёсий партиялар кўрсатадиган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши керак. Демак, хотин-қизлар орасидан депутатликка номзодларни тайёрлаш асосий вазифаларимиздан бири.

Биз салоҳияти ва ташаббускор хотин-қизларни партия-

миз сафига қабул қилишга алоҳида аҳамият бериб келянимиз. Ҳозирги пайтда вилоятимизда 33758 нафар партия аъзосининг 16 мингдан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Биз уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилган. Бу ишлар хотин-қизларнинг кизиқиши ва имкониятларини тўғри йўналтириш, уларни кўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш, аёллар орасидан етакчилик салоҳиятига эга бўлганларини аниқлаш ва

уларни депутатликка номзод сифатида тайёрлаш, партия ботини янада кучайтиришга хизмат қилляпти. Айниқса, етакчи аёллар ўртасида ЎЗХДП мафқурасини тарғиб қилишга қаратилган лойиҳаларимиз яхши самара бериб келмоқда. Айни кунларда хотин-қизларни сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар билан чуқур таништириш масалаларига жиддий эътибор қаратянимиз. Улар тарғибот-ташвиқот тадбирларимизда фаол қатнашадиган бўлишлари ҳамда ижтимоий натижаларни кўлга киритиши миз учун хизмат қилади, албатта.

— Партия маҳалла ичига қанчалик чуқурроқ кириб борса, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш самаралироқ бўлади, шунингдек, партиянинг маҳалла ичига кириши билан бирга амалий ишлар натижада аҳолининг партияга ишончи янада мустаҳкамланади.

Шу ўринда айтиш керакки, ЎЗХДП Марказий Кенгашининг «Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси маҳаллаларда самарали ташкил этилди. Лойиҳа тадбирларида иштирок этган аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатла-

ми вакиллари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ўз мустақил ишини бошлаш учун зарур маслаҳат, йўл-йўриқ олишди. Лойиҳа доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида кўпгина юрдошларимиз ўзларига муносиб иш топишди.

ЎЗХДП ташаббуси билан маҳаллаларда кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Уларга жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида 523 мурожаат тушган ва кўтарилган масалаларнинг аксарияти иштирок этган аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатла-

Икромиддин ВАЛИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими бошқаруви раиси, ЎЗХДП фаоли:



ти ҳамкорлигини янада ривожлантиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим омил бўлди. Мазкур қонун асосида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ҳамда ЎЗХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Мен айтмоқчиманки, шу вақтга қадар ҳам партиямиз

маҳаллалар билан ҳамкорликда тизимли ишларни олиб борди. Сайлов кампанияси даврида тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.



Алишер ТОШМАТОВ, ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

партиямиз учун бизнинг вилоятимизда муваффақиятли бўлди, дея олмаймиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига биз кўрсатган номзодларнинг бирортаси ҳам депутат этиб сайланмади. Аммо биз кўл қовштириб турганимиз йўқ. Йўл қўйилган камчиликларни бирма-бир таҳлил қилдик, тегишли ҳулосалар чиқарилди. Сайловдан кейинги дастлабки кунлардан оқибатда амалий ишларимизни кўпай-

тиришга киришдик. Айниқса, сайловда қўйилган натижаларга эришолмаган Гулистон ва Ширин шаҳар, Гулистон, Боёв, Оқолтин туман партия кенгашлари фаолияти алоҳида назоратга олинган.

Биз 2014 йилги сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича дастур қабул қилдик. Дастур бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шундан келиб чиқиб, туман кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларида сайловга тайёргарлик кўриш, сайловга оид қонунчилик тизими, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаол-

лигини оширишга бағишланган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда биз кўрсатган номзодлар орасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 15 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 145 нафар депутат сайланган эди. Бу йилги сайловларда бунданда юқори натижаларга эришишни ният қилганимиз. Бунинг учун ҳар бир бошланғич партия ташкилотидан тортиб партия кенгашлари, тарғибот гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.



Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзолари Абдуғафур Қирғизбоев, Зиёвуддин Мансуров, ЎЗХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримова, «Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл куриш механизми машинаси, партия фаоли Ўзбекистон Кахрамони Юсуф Зияев, «Сирдарё» иссиқлик электр станциясидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилот итакчиси Саид Ғрибеков ва бошқалар кун тартибидagi масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Алоҳида қайд этилдики, Ўзбекистон Халқ демократик партияси жорий йилдаги сайловлар жараёнига 400 минг нафарга яқин аъзо билан кириб бормоқда. Сўнгги йилларда партия таркиби ёшлар ҳисобига сезиларли даражада кенгайди. Бугунги кунда ЎЗХДП сафида 120 мингдан ортиқ

ёшлар бўлиб, улар партия аъзоларининг қарийб 33 фоизини ташкил этади. Пленум арасида ЎЗХДПнинг 10 мингдан зиёд бошланғич ташкилотиди бўлиб ўтган умумий партия йиғилишлари ҳамда туман, шаҳар, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференцияларида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишда ЎЗХДП ташкилотларининг иштироки ҳамда жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда фаол иштирок этиш, партия сайловолди дастурига аниқ таклифлар киритиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, пленумда батафсил муҳокама этилди.

Шунингдек, пленумда ЎЗХДПнинг навбатдаги VIII курултойини чакриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Курултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига партиядан номзодлар кўрсатилади ва партиядан Сайловолди платформаси қабул қилинади.

Пленумда партиянинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ҳамда қарорлар қабул қилинди.

Бекзод ШУКУРОВ, Гулрўх ОДАШБОВА, Лазиза ШЕРОВА.

Имзо тўплаш

сиёсий партиялар учун сайловолди жараёнининг муҳим босқичларидан ҳисобланади

Сайлов — 2014

Сиёсий партия учун сайловолдидан бўладиган ҳар бир жараён ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, сайлов кампанияси бошлангандан кейинги дастлабки синов бу — имзо тўплаш жараёни бўлиб, сиёсий партиянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, одамлар орасидаги нуфузини билдиради. Шу боис бу жараёнга алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Умуман олганда, у ёки бу сиёсий партия гоёларини қўллаб-қувватлайдиган, унинг сайловда муваффақиятли иштирок этишига муносиб ҳисса қўшиш тарафдори бўлган сайловчилар бу жараёнда фаол иштирок этади. Демак, мамлакат ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган, сайловчилар ишончини қозона олган, электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилаётган партиятига бу синовдан муваффақиятли ўтиши таъминланади.


Узбекистон Халқ демократик партияси тизимида бу жараёнга жиддий эътибор қаратилмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган X пленумида имзо тўплаш жараёнини ташкил этиш бўйича муҳим тавсиялар берилди, тегишли қарор қабул қилинди.

«Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар бир сиёсий партия сайловда уни қўллаб-

қувватлайдиган сайловчиларнинг имзосини тўплаш зарур, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Аваз Саидов**. — Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг 8 фоизини ташкил этиши керак. Бу ҳар бир ҳудуд учун 3200 имзони ташкил этади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши пленумида имзо тўплаш жараёнини тизимли ташкил этиш, варақаларнинг тўғри тўлдирилишини назорат қилиш бўйича масалалар муҳокама этилди, аниқ тақрифлар билдирилди.

Бугунги кунда қонунчиликда белгиланган меъёрлар ҳамда пленум қарори асосида ҳудудий партия ташкилотларида қизгин иш жараёни кечмоқда. Партияимиз тизимида имзо йиғиш босқичини уюшқоқлик билан ўтказишда туман ва шаҳар кенгашлари, шунингдек, 10 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилот-



лари имкониятларидан самалари фойдаланишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Бошланғич ташкилотларда бу жараён махсус режа асосида ташкил этилган.

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўладиган сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлаб, биринчилардан бўлиб имзо қўйдим, — дейди **Ўзбекистон Каҳрамони, ЎзХДП фаоли Анвар Курбанов**. — Чунки партияимиз сайловда муваффақиятли қатнашишига ҳисса қўишишни бурчим, деб ҳисоблайман.

Мен ЎзХДП томонидан ўтказиб келинаётган тadbirlарда мунтазам қатнашман. Ўзим ҳам Сайловолди дасту-

ри ижросига қаратилган ишларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаялман. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, партияимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари халқимизга маъқул келмоқда. Партияимиз тарафдорлари кўпаймоқда.

— Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараёнлар олдида турибди, — дейди **Ўзбекистон халқ шoirи, сенатор Маҳмуд Тоиров**. — Унда қатнашадиган ҳар бир сиёсий партия галаба қозонишни истаиди. Имзо тўплаш жараёни эса сайловга тайёргарликнинг дастлабки муҳим

босқичларидан ҳисобланади. Шу боис ҳар бир партия фаоли бу ишга бош қўиши керак. Мен ҳам партияимизни Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўладиган сайловда иштирок этишини маъқуллаб имзо қўйдим.

— ЎзХДП аъзоси эканимдан фахрланаман, — дейди **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов**. — Партиянинг кўплаб учрашувлари, тadbirlарида қатнашиб, одамлар билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдимки, партияимиз гоёлари жуда ҳам халқчил. Шу боис унинг тарафдорлари, хайрихоҳлари кўп. Мен ҳам биринчилардан бўлиб партияимизнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлаб имзо қўйдим.

— Бошланғич ташкилотимизга 160 нафардан ортиқ

дан имзо варақаларини тўлдириш тартибларига қатъий риоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Мен ЎзХДП Пскент туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мутахассислигим бўйича ишга жойлашмиш масаласида мурожаат қилган эдим, — дейди **Саидазим Тўхтабоев**. — Партия фаоллари кўмагида ўз мутахассислигим бўйича тумандаги 2-умумтаълим мактабига ишга жойлашишга муваффақ бўлдим. Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловчилар имзоси тўпланаётганини эшитиб, ЎзХДПни қўллаб-қувватлаб имзо қўйдим...

Бир сўз билан айтганда, имзо тўплаш жараёни барча даражадаги партия ташкилотларимизда уюшқоқлик

Имзо тўплаш жараёни даражадаги партия ташкилотларимизда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

партия аъзоси билрашган, — дейди **Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Гўзал Азизова**. — Улар сайловга катта тайёргарлик билан кириб бормоқда. Хусусан, имзо тўлаш жараёнида бошланғич ташкилотимиз аъзолари фаол иштирок этмоқда. Айниқса, улар томони-

билан олиб борилмоқда. Энг муҳими, сайловчилар, партия аъзолари бу жараёнга жиддий эътибор ва масъулият билан ёндашмоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Саккизоёқдан ўрганиб

янги «мато» яратилди

АҚШнинг Иллинойс университети мутахассислари денгиз жониворлари — саккизоёқ ва калмарлар физиологиясини ўрганиб, ўзига хос сунъий «мато» яратдилар.



Маълумки, оёқбош малюскалар, аникрофи, саккизоёқлар ва калмарлар турли йиртқичлардан ўзини ҳимоя қилиш учун атроф-муҳит вазиятидан келиб чиқиб, бутун танасини турлича ўзгартира олади. Уларнинг айнан шу хусусияти олимларни англолик яратилганда, дейилди «Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида чоп этилган мақолада.

Янги «мато» ўта юпка бўлиб, бир неча қатламдан иборат. Унинг қуйи қатламида сенсорлар жойлаштирилган, улар атроф-муҳит рангига монанд равишда тусни ўзгартиради. Юқори қатламдаги ўта митти квадратчалар эса сенсорлар узатган буйруққа мос ҳолда рангни ўзгартиради.

Тўғри, ҳозирча бу «мато» икки хил — оқ ва қора рангда тусланиш қудратига эга ҳолос.

Муҳандислар ҳозир ушбу «мато»га қувват бағишловчи митти қуёш батареяларини жойлаштириш масаласида изланишлар олиб бормоқда.

Мазкур янглик АҚШ ҳарбий денгиз кучлари шафелигида яратилди. Янглик муаллифлари эса мазкур «мато» нафақат ҳарбий кучлар вакиллари учун асқолади, балки тинч аҳоли ўртасида ҳам унга эҳтиёж туғилишига умид қилмоқдалар.

Жигар —

организм учун муҳим орган

Тиббиётнинг улуг даҳоси, бобомиз Абу Али ибн Сино шундай деган эди: **билиб қўй, агар жигарни даволашда хатоликка йўл қўйсанг, бу хатолик томтирларга, ундан кейин эса бутун танага таъсирини ўтказди.**



Бу гап нақадар тўғрилигини бугунги илм-фан ҳам тасдиқламоқда.

Қадимки Вавилонда жигар инсоннинг марказий органи, деб таърифланиши ва бундай қарашлар инсоният онгида XVII асргача «жумрон»лик қилгани ҳам бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, жигар танамизда жуда улкан вазифани бажаради. Биринчи галда, унинг иммун тизимида муҳим роль ўйнашини айтиш даркор. Жигар организм учун бегона бўлган моддалар, жумладан, аллергенлар ва турли захарли токсинларни зарарсизлантиради, жуда бўлма-са токсик кучини «қешиб», бу бирикман танадан чиқариб юбориш «чорасини кўради».

Иккинчи галда, у эндокрин тизимида алоҳида ўрин тутди. Ортиқча гормонларни, витаминларни, шунингдек, модда алмашинидада токсик озик моддаларни, масалан, аммиак, фенол, этанол, ацетонни зарарсизлантиради, жуда танадан чиқиб кетишини таъминлайди.

Нихоят, озуқани ҳазм қилиш жараёнида (организмнинг энергияга бўлган талабини глюкоза ҳисобига таъминлайди ёки турли энергия манбаларини глюкозага айлантиради) ва углеводлар алмашинидада (кун давомида, ҳатто оч қолган пайтда ҳам танада глюкоза даражасини бир маромда сақлайди) иштирок этади.

Шунингдек, жигар витаминлар алмашинидада ўта муҳимдир — уни тўлдириш ва айрим витаминларни захирага сақлаб қўиш (асосан ёғни парчловчи А, D витаминлари, сувни парчловчи В12 витамини, микроэлементлар ва металллар) жараёнида асосий вазифани бажаради.

Жигарнинг энг муҳим функцияси тўсик вазифасини бажаришидир. Оксил алмашинидада қон орқали жигарга келган захарли моддалар айнан жигар ёрдамида зарарсизлантирилади. Шунингдек, танада пигмент (организмда бадан, соч ва шу қабилага ранг киритувчи табиий бўёқ моддаси) алмашинидада, юрак-қон томир фаолиятида, синтезлаш тизимида ҳам муҳим ўрин тутишини унутмаслик лозим.

Ҳуғуғий ислохотлар

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани марказида 152 та савдо растасига эга бўлган янги деҳқон бозори фойдаланишга топширилди.

Янги бозор ва фаввора ишга тушди

Бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қўқатлар, сабзавотлар, мевалар, дон-дун, полиз ҳамда сут маҳсулотлари алоҳида расталарда сотилмоқда. Шунингдек, бозор ёнида қатор гўшт дўконлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.



Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ туман истироҳат боғида барпо этилган мусиқали фаввора нурободликларни янада хурсанд этди. Қолаверса, боғда музқаймоқ ва салқин ичимликлар павильонлари ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 9, 14, 16 ва 21 октябрь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очиқ аукционга таклиф этади.

Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилмоқда:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«КО'КНА ТЕКСТИЛ» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зий Саид кўчаси, 2-«А» уй	Ип-кавала ва мато ишлаб чиқариш	60 402 760 000,0	26 489 185,54
2	«РОУТЕКС» МЧЖ	Самарқанд шаҳри, Трудовая кўчаси, 4-уй	Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланган бoғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш	1 940 000 000,0	850 772,71

Очиқ аукцион шартлари:

Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг буняк пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бериўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигиға фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва унинг шахсларга равога (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллибанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларнинг бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 (етти) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сургурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳўжатларни тақдим этиши лозим:

- ✦ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- ✦ жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси)

нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- ✦ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳўжжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «КО'КНА ТЕКСТИЛ» МЧЖдаги улуш бошланғич нархининг 2 фоизи миқдоридан, «РОУТЕКС» МЧЖдаги улуш бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пулларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 202080007049 23918001.

МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион ўтказиш бош-

ланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қорхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 101-уй. Телефон: (8-371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс: (8-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49; телефакс: (8-371) 233-23-40; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 4 сентябрдаги 10-1417/10714-сон иш юзасидан қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат мулк қўмитаси томонидан «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖга 2012 йил 2 апрелда берилган RR-0109-сон лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги муносабати билан, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 26 ноябрь 142-, 2014 йил 21 январь 10-ва 11 февраль 19-сонларида берилган эълонлардаги қуйидаги қўчмас мулк объектлари:

- 1) «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги Тошкент вилояти, Оқўрғон тумани, «Ўзбекистон» ДФХУ, Навоий кишлоғида жойлашган «Ўзбекистон АТС бино ва ишоотлари», Оқўрғон тумани, «Оқўрғон» ДФХУ, Марказий бўлимида жойлашган «Оқўрғон АТС бино ва ишоотлари», Паркент тумани, «Санганак» кишлоғи ҳудудида жойлашган «Санганак АТС биноси», Паркент тумани, «Қорақалпоқ» кишлоғида жойлашган «Қорақалпоқ АТС биноси», Ангрэн шаҳри, «Қарабау» кишлоғида жойлашган «Қарабау АТС биноси», Бекобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «АТС биноси» қисми», Охангарон тумани, «Фаллақудук» МҮУБО ҳудудида жойлашган «Фаллақудук АТС биноси» ва Охангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙда жойлашган «Қорахитой АТС биноси»;
- 2) «MANSUROV ERKIN» фермер ҳўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Енарик» ҚФЙ, «Маданият агробизнес» агрофирмаси ҳудудида жойлашган, диаметри 2 см. дан 6 см. гача бўлган 620 түп олма кўчатидан иборат бoғзор очиқ аукцион савдоларида олинганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: 233-20-13.
Гувоҳнома №005644-03.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

компания
кооперация-
кўргазмасининг
доимий ишловчи
экспозициясига
таклиф этади.

Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.

Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор «Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани» деган эди. Ишонамизки, олиб кетилган китоблар шунчаки жавондан жой олмайди. Албатта ўқилади

2014 йил — Соғлом бола йили



Фаруҳ АЛИЕВ олган суратлар.

Боламизга ўйинчоқ олиб берамиз. Боламизга ширинликлар келтирамиз. Энг яхши, энг чиройли кийимларни кийдириб қўямиз. Истироҳат боғларига етаклаймиз. Лекин... ота-оналарга бир саволимиз бор:

Болангизга китоб олиб берасизми?

...Тадбирдаги бир суҳбат эътиборимизни тортди. Бир гектарлик ери бор, неча қаватли уйи бор, энг қимматбаҳо жиҳозлар қўйилган хонадонда бир китобга эҳтиёж сезилиб қолибди. Минг афсуски, ҳамма нарса бор жойда бирорта ҳам китоб йўқ экан. Шунда давра тўрида ўтирган олимлардан бири ўша бадавлат кишига қараб, жуда камбағал экансиз, дебди...

...Кеча ҳам, бугун ҳам энг арзон нарса бу — китоб. Ишонмасангиз кундалик харажатларингизни ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Оила бюджети тақсимотида, албатта, китоблар учун ҳам маблағ йўналтиришимиз шарт. Китобсиз уй чироқсиз уйдир. Мабодо ўзингиз ўқимасангиз ҳам барибир болаларингизда, набираларингизда китобга меҳр ўйотинг. Ҳеч бўлмаса, улар учун китоб сотиб олинг. Унутманг, уйда китобларни бўлиши болалар тарбиясида ўта муҳим аҳамиятга эга.

...Байрамларда асосий эътибор дастурхонга, яъни моддий томонга қаратилади. Китоб байрами эса маънавий байрами, адабиёт, эзгулик байрамидир.

2014 йил 18-19 сентябрь кунлари пойтахтимизнинг Гафур Гулом номидаги маданият истироҳат боғида «Болалар китоби» республика фестивали бўлиб ўтди.

Ушбу фестиваль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўздавкитобсавдо» ташкилоти масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

Собиржон ШУКУРОВ, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси:

— Фестивалнинг шioriга аҳамият қаратган бўлсангиз унда «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» деган гоя илгари сурилган. Бу Президентимизнинг болаларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб воёга етказиши, махсус адабиётларнинг чоп этилиши режалаштирилгани ҳам олиб борилаётган ишлар кўламини кенглиги, мунтазамлигидан далолат беради.

Бугун ҳам юртимизда келажагимиз эгалари бўлган болаларимиз маънавий ҳаётида ўзига хос тарихий сана бўлиб қоладиган янги бир анъанага асос солинди. Чунки «Болалар китоби» республика фестивали, айни пайтда нафақат, пойтахтимиз Тошкентда, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларимиз марказларида худди мана шундай тантана ва байрамона руҳда ўтказилди.



Ҳафиза КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда кўли очик инсонлар кўп. Улар кам таъминланган оила фарзандларининг тўйларини ўтказиб беришади, озик-овқат, кийим-кечак олиб беришади. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Бироқ болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим бўлганда, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ундан ҳам муҳимдир. Кўпгина яхши ишларга бош қўшаётган ҳомийлардан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бераётганда албатта китоб, компьютер, ўқув қуроллари ҳам олиб беришларини илтимос қилган бўлардим.

Жасур ХУСАНОВ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Оммавий ахборот воситалари ва наشريётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош муҳаррири:

— Хозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган 60 дан ортиқ наشريёт «болалар адабиёти»ни нашр этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ташкилотларнинг ҳар бири фестивалда ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этди. «Болалар китоби» республика фестивали кунларида наشريётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган 200 га яқин номдаги янги китоблар тақдими бўлиб ўтди. Сайл тарзида ташкил этилган ушбу фестиваль доирасида турли хил кўргазмалар, болаларнинг ақлини чархлаш, билимини оширишга йўналтирилган викториналар ташкил этилди.

Фестиваль мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ҳамда ноширлик соҳаларида кўлга киритилган ютуқларимиз билан халқимизни таништириш, давлатимиз томонидан болалар адабиётини ривожлантириш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга, кадрларимизни асраб-авайлаш ва улуглашга берилаётган эътиборнинг яна бир юксак намунаси бўлди.

Эркин МАЛИК, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— Инсонда китобга меҳр болалигидан бошланади. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам болалар онгига китобга бўлган меҳрни уйғотишдир. Чунки китоб билан дўст тутишдан бошланганда ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, болалар учун ёзилган адабиётларнинг савияси банд бўлиши керак. Айни дамда болалар учун асар ёзиш бир томондан энг осон, бир томондан эса энг мушкул вазифадир. Чунки ҳали олам ва одамлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган бола айнан ўзи

мутолаа қилаётган асар орқали дунёни билишга интилади. Бугунгига ўхшаган фестиваллар ўтказилиши, давом этиши болалар адабиёти ривожига янада хисса қўшади ҳамда болалар учун ҳар жиҳатдан пухта асарлар сонини кўпайтиришга туртки беради.

Лазиз ТАНГРИЕВ, Гафур Гулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи директори:

— Мустақил ва обод юртимизда байрамлар, халқ ардоғидаги тантана ва издиҳомлар, табарруқ саналар кўп. Бугун ана шундай кутлуғ кунлар яна биттага ортаётган ва бу байрам, бевосита китобга, болалар китобига бағишланган ҳаммамизнинг қўлғимизни шод қилади.

Фестиваль доирасида республика миқдорида фаолият юритаётган барча наشريётлар ўз китоб маҳсулотларини намойиш этиш имкониятига эга бўлди. Ишонаманки, «Болалар китоби» республика миқдоридаги кўп сонли наشريётлар билан бирга, мамлакатимизда 108 наشريёт ва 1750 дан ортиқ матбаа корхонаси фаолият юритмоқда. Республика наشريётлари томонидан ҳар йили 2500 номдаги, умумий адади 40 млн. нусхадан ортиқ турли китоблар нашр этилаётган бўлса, бадий адабиётлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугун юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган.

Фестиваль давомида болалар ота-онаси, ўқитувчиси ва сотувчилар тавсиясига кўра китоб харид қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор «Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани» деган эди. Ишонамизки, олиб кетилган китоблар шунчаки жавондан жой олмайди. Албатта ўқилади.

лика фестивали китобсеварларнинг қизиқишлари, маънавий олами ва интилишларини намоеън этиши билан бирга китобхонлик маданиятини тарғиб қилишга, фуқароларнинг, айниқса болаларнинг маънавий ва маърифий салоҳиятини янада юксалтириш, интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, биз ҳам ўтиб бораётган ушбу йилда 87 номдаги адабиёт чоп этдик. Уларнинг аксарияти болалар учун мўлжалланган китоблардир.

Турсунбой АДАШБЕКОВ, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Болалар адабиёти бу — катталар адабиёти учун тайёрлов босқичидир. Ёш авлодни ана шу синовдан муваффақиятли ўтиши учун ҳам бугунги фестиваль ташкил этилди. Кўриб турганимиздек ён-атрофимиз болалар билан гавжум. Бу болалар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Иложи бўлса, кейинги тадбирларда наشريётлар имкон қадар ўзи чиқарган китоб муаллифларини кўпроқ тақдир қилса яхши бўлар эди. Чунки бу жараёнда болалар ҳам китоб билан, ҳам унинг муаллифи билан яқиндан танишади, шу билан бирга ёзувчи ва шоирлардан дастхатлар ҳам олади.

Мухаррам ИСМОИЛОВА, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рабоналик ва дизайн институти 1-курс талабаси:

— Болалар учун энг сеvimли китоблар саҳифалари турли расмлар билан тўldirilган китоблардир. Шу жиҳатни ҳисобга оладиган бўлсак, болалар адабиёти дизайни энг мушкул ишлардан биридир. Болаларга атаб яратилаётган китоблар кўркэм, суратларга бой ва ортакча беазаклардан холи бўлиши лозим. Мен бўлажак дизайнер сифатида китоблар муқоваси ва ички беазакларига алоҳида эътибор қаратдим. Тазкидлаш жоиз, сўнгги йилларда китобларимиз дизайнини яратишда ижобий ўзгаришлар бор. Мен ҳам келажакда ўз суратларим билан ўзбек ноширчилигини ривожига хисса қўшмоқчиман.

Шаҳло ИСМОИЛОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 229-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси:

— Бугунги фестивалда ўқувчиларим билан келдик. Болалар ушбу байрамда катнашганидан мамнун. Китоб инсоннинг маънавиятини юксалтиришдаги энг муҳим восита бўлиб, у янгидан-янги дунёни эшигини очига имкон яратади. Болаларни ёшлардан китобга ошно қилишимиз лозим. Ана шунда кўпбал саъий иллатларнинг олдини олган бўлишимиз.

Зебо ГАНИЖОНОВА, Тошкент шаҳридаги 138-мактаб 8-синф ўқувчиси:

— Республика миқдорида энг чиройли ва кўркэм манзиллардан бири ҳисобланган мазкур боғда ўтказилган ушбу фестиваль бизларни жуда ҳам хурсанд қилди. Дўстларим, устозларим билан бирга китоб байрамга келдик. Биз барча наشريётларнинг китоблари билан танишиш ҳамда ўзимизга керакли бўлган тарихий ва бадий китобларни арзонлаштирилган нарҳларда сотиб олдик. Мен бу каби байрамлар янада кўпроқ бўлишини хоҳлардим...

Ҳозирча битта кумуш ва тўртта бронза



Тобора қизгин тус олаётган Осиё ўйинларида ҳамюртларимиздан оғир атлетикачи Махлиб Тоғаева (48 кг)га 187 килограмм натижа кўрсатиб, терма жамоа жамғармасига дастлабки бронза медалини тақдим этди.

— Бундай йирик мусобақада делегациямиз ҳисобига биринчи медални келтирганимдан жуда хурсандман, — дейди Махлиб Тоғаева. — Беллашувлар ўта кучли рақобат остида кечди. Унда ҳатто Олимпия ўйинлари совриндорлари ҳам медалсиз қолишди. Ҳар қандай спорт турида ҳам янгидан-янги номларни чиқиши ўша спорт турининг фақат ривожини унун хизмат қилади. Аслида кучли рақобат остида курашиш ҳар бир спортчига ўзгача завқ бағишлайди.

Яна бир оғир атлетикачи Марина Сисоева ёзги Осиё ўйинларида тўртинчи натижа билан кифояланди.

Бугун оғир атлетика бўйича

маълум муддат танаффусдан сўнг, дастлабки йирик мусобақада ўз омадини синаб кўрди. У 1/8 финалда сингапурлик Хо Хан Бун билан курашиб, соф галабага эришди. Аммо чорак финалда жанубий кореялик Ким Сунгмин биргина вазари баҳоси туфайли вақилимизни мағлуб этди.

Абдулла Тангриев бронза медали учун курашда киргизистонлик Юрий Краковичкидан устун келди ва терма жамоамиз жамғармасини яна битта медалга бойитди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон спортчилари XVII ёзги Осиё ўйинларида ҳозиргача битта кумуш, тўртта бронза медалига сазовор бўлдилар.



Ўза олган сурат.

эркақлар ўртасидаги беллашувлар бошланади. Унда Иван Ефремов, Сардорбек Дўстмуродов, Улғубек Алимов, Достон Ёқубов сингари спортчиларимиз медаллар учун кураш олиб боришади.

Мутахассислар мусобақада дзюдочиларимизга катта ишонч билдиришган эди. Дастлабки кунги беллашувларда ҳамюртларимиздан Гулноза Матнӣзова, Муқаддас Кубеева, Мирзохид Фармонов, Наврўз Жўрақобов, Шарофиддин Луффуллоев, Яхё Имомовлар татамига чиқди.

Аммо улардан фақат Мирзохид Фармонов (66 кг) мутахассислар ишончини оқлади. У бронза медали учун беллашувда тожикистонлик Расул Абдушарипов устидан соф галабага эришди.

Кеча дзюдо беллашувлари давом эттирилди. Унда полвонларимиздан Дилшод Чориев (90 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг), Абдулла Тангриев (+100кг)лар ўз маҳоратини намойиш қилди.

Унда айниқса, Осиё чемпиони ва жаҳон чемпиони совриндори Дилшод Чориев чинакам маҳорат кўрсатиб, барчани қувонтирди. У дастлаб иорданлик Иброҳим Халафни мағлуб этди. Чорак финалда қозогистонлик Тимур Болат тақдим қилди. Ярим финалда эса мўғулистонлик спортчи Отгонбаатар Лхагвасуруени доғда колдирди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртлимиз япониялик Юя Йошидага қарши курашди... ва кумуш медалга билан тақдирланди.

Таниқли спортчимиз Рамзиддин Саидов ҳам юртимиздаги бронза медали билан қайтадан бўлди. У ҳал қилувчи беллашувда покистонлик Хусайн Шоҳ билан курашда соф галаба қозонди.

Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори ва жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев

Футбол бўйича «В» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки турда Гонгконг футболчилари билан 1:1 ҳисобини қайд этганди. Иккинчи турда ҳамюртларимиз бангладешликларга қарши майдонга тушиб, рақиблири дарвозасига жавобсиз учта тўп киритишди.

Кеча гуруҳнинг сўнгги тур ўйинлари ўтказилди. Унда Миржалол Қосимов шоғирдлари Афғонистон терма жамоаси устидан ишончли (5:0) галабани кўлга киритди ва «плей-офф» босқичига йўланма олди. Энди футболчиларимиз навбатдаги босқичда «А» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Саудия Арабистони терма жамоаси билан куч синашади.

Кўл тўпи бўйича аёллар терма жамоамиз дастлабки ўйинда Мальдив ороллари гандболчиларига қарши майдонга чиқди. Унда кизларимиз 57:7 ҳисобида зафар қўчдилар.

Теннис бўйича эркақлар ўртасидаги мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли юришини давом эттиришмоқда. Кеча мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси Денис Истомин чорак финалда жанубий кореялик Хён Чанг билан баҳс юритди. Бир соати 26 дақиқа давом этган мазкур учрашувда Денис рақибини 6/4, 7/6 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўлангани кўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, XVII Осиё ўйинларида, шунингдек, аёллар ўртасида сув полоси, регби турлари бўйича ҳам терма жамоаларимиз майдонга тушмоқда.

20 сентябрь куни Инчонда Осиё Олимпия кенгашининг 33-Бош Ассамблеяси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Мираброр Усмоновга Осиё Олимпия кенгашининг «Спорт тараққиётидаги хизматлари учун» махсус ордени топширилди.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган Бахтирият жамоаси Сурхондарё вилояти бўйича жамоатчи муҳбир Бахтир Аликүловга отаси

Лобабобо АЛИКУЛОВнинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изхор этади.

MUASSIS: XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahiriyyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959 11425 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.20 Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

